

«ТАСДИКЛАНГАН»
“Mirobod dehqon bozori” АЖ
акциядорларининг 2025 йил
17 мартағи навбатдаги умумий
йиғилиши томонидан



«MIROBOD DEHQON BOZORI»

AKSIYADORLIK JAMIyatINING
КУЗАТУВ КЕНГАШИ ТҮҒРИСИДАГИ
НИЗОМИ

Тошкент-2025

I. Умумий қоидалар

1.1. Мазкур Низом “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар хукукларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги ПФ-101-сон Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг “2021-2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2021 йил 29 марта даги 166-сон қарори ҳамда “MIROBOD DEHQON BOZORI” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – Жамият) уставига ва бошқа норматив-хукукий хужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Жамият Кузатув кенгашининг мақомини, ваколатларини, хукук ва мажбуриятларини ҳамда унинг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ишлаш тартибини белгилайди.

1.2. Жамият Кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, амалдаги қонунчилик ва Жамият Устави билан акциядорлар умумий йигилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

1.3. Жамият Кузатув кенгаши ўз фаолиятини амалдаги қонунчилик, Жамият Устави ва мазкур Низомга асосан амалга оширади.

II. Кузатув кенгашининг ваколат доираси

2.1. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг сони 5 (беш) кишидан иборат бўлади. Бундан 1 (бир) нафари мустақил аъзо ҳисобланади.

2.2. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига кўйидагилар киради:

2.2.1. Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чоратадбирлар тўғрисида Жамият ижро органининг ҳисботини мунтазам равища эшитиб борган ҳолда Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

2.2.2. Акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йигилишларини чакириш, қонунчилиқда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

2.2.3. Акциядорлар умумий йигилишининг кун тартибини тайёрлаш;

2.2.4. Акциядорларнинг умумий йигилиши ўtkaziladigan сана, вакт ва жойни белгилаш;

2.2.5. Акциядорларнинг умумий йигилиши ўtkaziliishi ҳақида хабар қилиш учун Жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

2.2.6. Жамият Уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш масалаларини ҳал қилиши учун акциядорларнинг умумий йигилишига киритиш;

2.2.7. Мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

2.2.8. Жамиятнинг ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш), раҳбарнинг ваколатларини “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунини 79-моддасига ва бошқа меъёрий хужжатларга асосан муддатидан илгари тугатиш. Жамият ижроия органининг раҳбарини тайинлаш тўғрисидаги қарор, қоидатарикасида, чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилади.

2.2.9. Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини маъқуллаш. Бунда Жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси Жамият Кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқулланиши лозим;

2.2.10. Ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чорақда унинг ҳисботларини эшитиб бориш;

2.2.11. Жамият ижро органининг фаолиятига даҳлор ҳар қандай хужжатлардан эркин фойдаланиш ва Жамият Кузатув кенгаши зиммасига юқлатилган вазифаларни бажариш учун бу хужжатларни ижро органидан олиш. Жамият Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган хужжатлардан факат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

2.2.12. Аудиторлик текширувни ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ микдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

2.2.13. Дивиденд микдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

2.2.14. Жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

2.2.15. Жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

2.2.16. Жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;

2.2.17. Конунчилиқда назарда тутилган ҳолларда йирик битимлар тузиш ҳамда Жамиятнинг аффилланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

2.2.18. Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун хужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

2.2.19. Жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор

қабул қилиш;

2.2.20. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш масалаларини, шунингдек Жамият Уставига Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш ҳамда Жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;

2.2.21. Конунчиликка мувофиқ акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташкари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

2.2.22. Жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошлиданадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

2.2.23. Қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

2.2.24. Жамият ижро органига тўланадиган ҳак ва мукофот миқдорини белгилаш, бунда бизнес-режа кўрсаткичлари бажарилмаган ёки самарадорликнинг мухим кўрсаткичлари “паст” ёки “қониқарсиз” деб баҳолангандан тақдирда ижро органи томонидан ўтган ҳисбот йилида тўланган мукофотни тўлиқ Жамиятга қайтариш масаласини кўриб чиқиши;

2.2.25. Жамият асосий фаолиятига хос бўлган янги кўчмас мулк обьектларини сотиб олиш ёки қуриш ҳамда хўжалик жамиятлари устав капиталидаги улушни сотиб олиш, шунингдек, асосий фаолиятидан ташкари кўшимча фаолият билан шуғулланиш мақсадга мувофиқлигини кўриб чиқиши ва тегишли қарор қабул қилиш;

2.2.26. Жамият томонидан мулкни бегоналаштириш, уни сотиш шакли ва механизми, давлат иштирокидаги корхоналар ва уларнинг таркиbidагi корхоналар устав капиталига учинчи шахслар томонидан инвестиция киритиш бўйича келишувларини (битим, шартнома, меморандум ва бошқалар) мажбурий тарзда олдиндан кўриб чиқиши;

2.2.27. Жамиятнинг раҳбар лавозимларига ўтказиладиган танлов регламентини тасдиқлаш, ижро органи раҳбари ва унинг ўринбосарлари лавозимларига танлов эълон қилиш ва ўтказиши;

2.2.28. Ахборот сиёсати тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

2.2.29. Ҳомийлик (хайрия) ёки бегараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш ҳамда бу борада қарор қабул қилиш;

2.2.30. Жамиятда корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни ташкиллаштириш, баҳолаш хуқуқига эга мустақил ташкилотни танлов асосида танлаш;

2.2.31. Кузатув кенгаши аъзоларидан иборат бўлган Стратегия ва инвестициялар, Аудит, Тайниновлар ва ҳак тўлаш, Коррупцияга қарши курашиб ва этика кўмиталарини, шунингдек заруриятга кўра бошқа кўмиталарни ташкил қилиш;

2.2.32. Конунчилик ва Жамият Уставига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиши.

2.4. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Жамиятнинг ижро органига ўтказилиши мумкин эмас.

III. Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш ва ваколатини муддатидан илгари тугатиш

3.1. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари конунчиликда ва Жамият Уставида назарда тутилган тартибда акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан З (уч) йил муддатта сайланади.

3.2. Жамият кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайлананиши мумкин.

3.3. Жамият бошқаруви аъзолари (директори), унинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлётган шахслар ва ушбу жамиятлар бошқарув органларининг аъзолари жамиятнинг кузатув кенгашига сайлананиши мумкин эмас.

3.4. Айни шу жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлётган шахслар жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

3.5. Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

3.6. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони жамиятнинг кузатув кенгашига сайлананиши керак бўлган мустақил аъзолар ва бошқа аъзолар сонига алоҳида кўпайтирилади ҳамда акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли.

3.7. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар жамият кузатув кенгашининг таркибига сайланган деб ҳисобланади.

3.8. Акциядорларнинг умумий йигилишида сайланган кузатув кенгаши аъзоси мазкур йигилиш баённомасида кайси акциядорнинг вакили эканлиги ёки кузатув кенгашининг қайси аъзоси мустақил аъзо эканлиги кўрсатилиши керак.

3.9. Жамият Кузатув кенгашининг аъзоси у сайланган кундан бошлаб, Жамиятнинг аффилланган шахси деб эътироф этилади. Шунга мувофик,

у сайланган кундан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай мазкур Низомнинг 1-иловасида келтирилган шаклга мувофиқ белгиланган маълумотларни батафсил кўрсатган ҳолда ўзининг аффилланганлиги тўғрисида Жамиятни ёзма шаклда хабардор килиши шарт.

3.10. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш қонунчиликда ва Жамият уставида назарда тутилган тартибда акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан амалга оширилади.

3.11. Кузатув кенгаши аъзоси куйидаги ҳолларда ўз вазифаларидан озод этилиши мумкин:

ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб, Жамиятга зарар етказса;

Жамият ва унинг акциядорлари манфаатларига зид равища инсофсиз ва мантиксиз ҳаракат килса;

Жамият фаолияти тўғрисидаги маҳфий ахборотни, шу жумладан инсайдерлик ахборотларни ошкор этиш, уларнинг учинчи шахслар томонидан ўз мақсадларида фойдаланишга йўл кўйса;

Жамият Кузатув кенгашининг мажлисларида, Кузатув кенгаши кошидаги қўмиталарнинг мажлисларида мунтазам равища иштирок этмаса;

у тузилишидан манфаатдор шахс деб эътироф этилиши мумкин бўлган битимлар тўғрисидаги маълумотларни яшиrsa;

Акциядор томонидан унинг ўрнига бошқа номзод тақдим этилса.

IV. Кузатув кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга иисбатан қўйиладиган талаблар

4.1. Кузатув кенгашининг аъзоси сифатида бенуқсон ишчанлик ва шахсий обру-эътиборига эга бўлган ҳамда Кузатув кенгаши ваколатига тегишли қарорларни қабул қилиш ва функцияларини самарали бажариш учун талаб этиладиган билим, қўникма ва тажрибага эга бўлган шахслар тавсия этилади.

4.2. Куйидаги малака талабларига эга бўлган шахс Жамият Кузатув кенгаши аъзолигига номзод сифатида тавсия этилиши мумкин:

Олий таълим ёки илмий даражанинг, ёинки бошқарув (менежмент) соҳасида қўшимча таълими мавжуд бўлган;

Давлат ёки хўжалик бошқарув органлари активларини бошқариш соҳасида ва ёки Жамият фаолиятига тегишли бўлган тармоқда иш тажрибасига эга;

раҳбар лавозимларида, шу жумладан Кузатув кенгашлари таркибларида иш тажрибаси мавжуд;

турли коллегиал органларда иштирок этиш, шу жумладан унинг Кузатув кенгаши қўмиталарида аъзолиги билан боғлик маҳсус қўникмалар (кучли коммуникативлик қўникмалари, фаолиятни шаффоффлик, холислик, конструктивлик ва професионализм тамоиллари асосида амалга ошириш учун зарур сифатлар)га эга бўлган;

қонунчиликка кўра бошқа талаблар.

4.3. жамият кузатув кенгашининг мустақил аъзоси бўлишида куйидагилар мумкин эмас:

4.3.1. сўнгги уч йил ичida жамиятда ва (ёки) жамиятнинг аффилланган шахсларида ишлаган шахс;

жамият овоз берувчи акцияларининг беш ёки ундан ортиқ фоизига эгалик қилувчи (тўғридан-тўғри ва (ёки) аффилланган шахслар орқали) акциядор;

4.3.2. жамиятнинг ва (ёки) унинг аффилланган шахсининг йирик мижози ва (ёки) йирик етказиб берувчиси билан фуқаролик-хукукий муносабатларда бўлган шахс. Бунда қайси шахслар билан базавий ҳисоблаш микдорининг икки минг бараваридан кўп бўлган суммага тенг амалдаги шартнома мавжуд бўлса, ўша шахслар йирик мижоз ва йирик етказиб берувчи деб эътироф этилади;

4.3.3. сўнгги уч йил ичida жамиятга ва (ёки) жамиятнинг аффилланган шахсларига аудиторлик хизматларини кўрсатган аудиторлик ташкилотининг ходими;

4.3.4. кетма-кет олти йил давомида жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига кирган шахс;

4.3.5. жамият ва (ёки) унинг аффилланган шахслари билан бирор-бир келишувга эга бўлган шахс, бундан кузатув кенгаши аъзосининг вазифалари ва функциялари бажарилишини таъминлаш билан боғлиқ бўлган келишувлар мустасно;

4.3.6. жамиятнинг бошқарув ва ички назорат органларининг ва (ёки) унинг аффилланган шахсларининг аъзоси бўлган шахснинг ёки сўнгги уч йил ичida уларга аъзо бўлган шахснинг якин қариндоши ёки куда томондан қариндоши (ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари, ўғиллари, кизлари, эри (хотини), шунингдек эрининг (хотинининг) ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари

ва фарзандлари) бўлган шахс;

4.3.7. давлат бошқаруви органининг ёки давлат корхонасининг ходими бўлган шахс;

4.3.8. жамиятнинг уставида ёки акциядорлар умумий йигилишининг қарорлари билан тасдиқланган ҳужоатларда белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаган шахс.

4.3.9. Жамият жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига сайланган мустақил аъзоларнинг реестрини юритади ва уни ўз расмий веб-сайтида эълон қиласди.

4.3.10. Жамият кузатув кенгаши мустақил аъзоларнинг реестрини юритиш тартиби кимматли когозлар бозорини тартибига солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланади.

4.3.11. Жамият кузатув кенгаши мустақил аъзосига белгиланган талабларга мувофиқлиги ўзгарган тақдирда, у жамиятни ва кузатув кенгашини бу хақда икки иш куни ичидаги хабардор килиши шарт. Бу ҳолда қонунчилик тартибida бошқа номзод мустақил аъзони сайлаш масаласи ҳал этилади.

4.4. Жамият кузатув кенгашининг мустақил аъзоси кузатув кенгашининг бошқа аъзолари билан бир қаторда ушбу Қонунда белгиланган тенг ҳуқуклар ва мажбуриятларга эга бўлади.

V. Кузатув кенгашининг раиси

5.1. Жамият Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаши аъзоларнинг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан, ушбу кенгаши таркибидан Кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади.

5.2. Жамиятнинг Кузатув кенгаши ўз раисини Кузатув кенгаши аъзоларнинг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан қайта сайлашга ҳақли.

5.3. Жамият Кузатув кенгашининг раиси:

Кузатув кенгашининг ишини ташкил этиади;

Кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қиласди;

Кузатув кенгаши мажлисларида баённома юритилишини ташкил этиади;

Акциядорларнинг умумий йигилишида раислик қиласди.

5.4. Жамият Кузатув кенгаши раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

VI. Кузатув кенгашининг мажлисларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби

6.1. Жамият Кузатув кенгашининг мажлиси Кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, Жамият Кузатув кенгаши, ижро органи аъзосининг, шунингдек Жамият Уставида белгиланган бошқа шахсларнинг талабига кўра чақирилади.

6.2. Жамият Кузатув кенгаши мажлисларини ташкил этиш ва ўтказиш пухта ишланган режа асосида амалга оширилиши мумкин. Бундай режани Кузатув кенгашининг барча аъзолари, ижро органи, тафтиш комиссияси ҳамда, зарурат туғилганда, Жамиятнинг аудитори ва ички аудит хизматидан келиб тушган тақлифлар асосида Кузатув кенгашининг раиси шакллантиради.

6.3. Жамият Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаши мажлисидаги барча иштирокчиларга уни лозим даражада ўтказишга тайёргарлик кўриш ва унда олиб чиқилган масалаларни муҳокама қилишда фаол иштирок этиш имкониятларини яратади. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари Кузатув кенгаши мажлисларини ўтказишга тайёргарлик кўриш ҳамда уларда иштирок этиш учун етарли даражада вакт ажратишлари лозим.

6.4. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисли ҳар чоракда камида бир марта ўтказилади, бунда мажлисда мажбурий тартибда кўйидаги масалалар кўриб чиқилади:

Жамият ижро органининг Жамиятнинг бизнес-режасини бажарилиши тўғрисидаги, Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлари тўғрисидаги, Жамият томонидан амалга оширилган харидлар тўғрисидаги, Жамият асосий (уставдаги) фаолияти билан боғлик ва боғлик бўлмаган шўъба ҳўжалик жамиятлари ҳамда филиаллари (ваколатхоналари) фаолияти тўғрисидаги, Жамият томонидан тижорат мақсадлари ва нотижорат мақсадларининг бажарилиши тўғрисидаги хисоботлари;

Ички аудит хизматининг хисоботи;

Кузатув кенгаши ҳузурида ташкил этилган Стратегия ва инвестициялар қўмитаси, Аудит қўмитаси, Тайинловлар ва ҳақ тўлаш қўмитаси, Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси томонидан кўриб чиқилган масалалар бўйича ҳулоса ва тавсиялари.

6.5. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисini ўтказиш учун кворум Жамият Кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

6.6. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларнинг сони Жамият Уставида назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлган тақдирда, Жамият Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишини чақириши

шарт. Кузатув кенгашининг колган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташкари умумий йигилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек Жамият ижро органи раҳбарининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вактинча бажарувчини тайинлашга хаклидир.

6.7. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

6.8. Куйидаги қарорлар Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади:

Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш тўғрисидаги ва Жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар;

қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда йирик битимлар тузиш тўғрисидаги қарор;

Жамиятнинг афхилланган шахслари билан тузилаётган битимни маъқуллаш ҳақидаги қарор;

Жамият томонидан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор;

сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) қабул қилинадиган қарорлар.

6.9. Жамият Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл кўйилмайди.

6.10. Жамият Кузатув кенгashi аъзоларининг овозлари тенг бўлган тақдирда Кузатув кенгashi томонидан қарор қабул қилишда Жамият Кузатув кенгashi раисининг овози ҳал қилувчи хисобланади.

6.11. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгashi мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай тузилади. Мажлис баённомасида куйидагилар кўрсатилади:

мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;

мажлисда ҳозир бўлган шахслар;

мажлиснинг кун тартиби;

овоз беришига кўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари;

қабул қилинган қарорлар.

6.12. Жамият Кузатув кенгashi мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган Жамият Кузатув кенгashi аъзолари ҳамда мажлис котиби томонидан имзоланади. Кузатув кенгashi аъзолари мажлис баённомаси тўгри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

6.13. Жамият Кузатув кенгashi мажлисларига котиблик қилиш ва баённома юритиш вазифасини бажарувчи шахсни белгилайди. Бунда, Кузатув кенгashi котиби сифатида корпоратив маслаҳатчи, кимматли қоғозлар бўйича мутахассис, корпоратив бошқарув бўлими бошлиги ёки бошқа мутахассис белгиланиши мумкин.

6.14. Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Жамият Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин. Бунда Кузатув кенгашининг мажлисида ҳозир бўлмаган Кузатув кенгashi аъзосининг мажлис кун тартиbidаги масалалар бўйича ёзма тарзда берган фикри инобатта олинади ҳамда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан (телефон, электрон алоқа, ижтимоий тармоқларнинг мессенжерлари ва х.к.) фойдаланган ҳолда Кузатув кенгashi аъзосининг ёзма фикри тезкор тарзда йўлланиши ва олинishi мумкин. Жамият Кузатув кенгашининг мажлиси сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) ўтказилган тақдирда, мажлис баённомасида бу ҳақда кўрсатилади.

6.15. Жамият Кузатув кенгashi мажлиси масофадан туриб ахборот коммуникация технологияларини, шу жумладан видеоконференц-алоқа тизимидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб ўтказилиши мумкин, бунда мажлисда иштирок этаётган Кузатув кенгashi аъзолари кун тартиbidаги масалаларни муҳокама қилишлари ва улар бўйича овоз беришлари мумкин. Жамият Кузатув кенгашининг мажлиси видеоконференц-алоқа тизимидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб ўтказилган тақдирда, мажлис баённомасида бу ҳақда кўрсатилади, ушбу мажлис сиртдан овоз бериш йўли билан ўтказилган деб эътироф этилмайди.

6.16. Ҳар чоракда ижро органининг ҳисботини эшитиш бўйича кузатув кенгашининг мажлисларини сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) ўтказишга йўл кўйилмайди.

6.17. Жамият Кузатув кенгashi мажлиsinинг баённомаси имзоланган куни Жамиятнинг ижро органига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгashi акциядорларнинг умумий йигилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот

Жамиятнинг ижро органига Кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

VII. Кузатув кенгаси аъзоларининг ҳуқук ва мажбуриятлари

7.1. Кузатув кенгаси аъзоси қўйидаги ҳукукларга эга:

Кузатув кенгаси мажлисида шахсан иштирок этиш, мажлисда муҳокама қилинаётган масала юзасидан регламент билан ажратилган вақт доирасида сўзга чиқиш;

Кузатув кенгаси қарорига кўра муайян даврда Жамиятнинг фаолияти натижалари, уни ривожлантириш режалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборот олиш;

Жамиятга, шунингдек, унинг шўъба ва тобе юридик шахсларига оид ҳар қандай ахборот (хужжат ва материаллар)ни Жамият ижро органидан талаб қилиш ва олиш;

кун тартибидаги масалалар, қабул қилинаётган қарорлар бўйича ўзининг алоҳида фикрини Кузатув кенгаш мажлиси баённомасига киритишни талаб қилиш;

Кузатув кенгаси мажлиси кун тартибига киритиш учун масалалар тақлиф қилиш;

Кузатув кенгаси ва Жамиятнинг бошқа коллегиал органлари мажлислари баённомалари билан танишиш ва уларнинг нусхаларини олиш;

конунчиликда ва Жамиятнинг ички хужжатларида белгиланган тартибда Кузатув кенгашда ишлаган даври учун ҳақ ва (ёки) харажатларининг компенсациясини олиш.

Бунда Кузатув кенгасида вазифаларни бажарганлик учун тақдирлаш пули ва (ёки) харажатларнинг компенсацияси кенгаш аъзосининг ҳар бир аъзосига ҳар ойда меҳнатга ҳақ тўлашни энг кам миқдорининг 3,5 (уч ярим) баробарини ташкил этади.

Кенгаш аъзолари умумий йигилиш қарори билан йил якуни бўйича ҳам рағбатлантирилиши мумкин бўлиб.

7.2. Кузатув кенгаси аъзолари ўз ҳукукларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда жамиятнинг манфаатларини кўзлаб вижданан ва оқилона иш тутиши, уларга маълум бўлган маҳфий маълумотларни ва хизмат ҳамда тижорат сирини ташкил этувчи жамият хужжатларини ошкора кильмасликлари лозим.

7.3. Кузатув кенгаси аъзолари ўз мавқенини ва жамият фаолияти ҳакида олинган маълумотларни шахсий манфаатларида фойдаланишига, шунингдек ушбу маълумотларни бошқа шахслар томонидан шахсий манфаатларида фойдаланишига йўл қўймасликлари лозим.

7.4. Кузатув кенгаси аъзолари Кузатув кенгаси мажлисида шахсан қатнашилари шарт. Агар мажлисда қатнашиш имконияти мавжуд бўлмаса Кузатув кенгаси аъзоси сабабларини кўрсатган холда Кузатув кенгашини бу ҳақда хабардор қиласди. Бир вақтнинг ўзида Кузатув кенгаси аъзоси мазкур Низомга мувофиқ кун тартибидаги масалалар юзасидан ёзма фикрини юборишга ҳақли.

7.5. Аффилланган шахс бўлган Кузатув кенгашининг аъзоси Жамият билан битим тузишда аффилланган эканлиги тўғрисида тузилиши кутилаётган битим ҳакида маълумотларни, шу жумладан битимда иштирок этаётган шахслар, битим предмети тўғрисидаги маълумотларни, тегишли шартноманинг муҳим шартларини батафсил кўрсатган холда ёзма билдирги юбориш орқали Жамиятни хабардор этиши шарт.

7.6. Кузатув кенгаси аъзолари Кузатув кенгаси томонидан у ёки бу қарорларни қабул қилишга таъсир кўрсатганлик учун бевосита ёки билвосита ҳақ олиш ҳукуқига эга эмас.

7.7. Кузатув кенгаси аъзолари Жамият имкониятлари (мулкий ва номулкий ҳукуклар, хўжалик фаолияти соҳасидаги имкониятлар, Жамиятнинг фаолияти ва режалари тўғрисидаги ахборот)дан шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланиш ҳукуқига эга эмас.

7.8. Кузатув кенгаси аъзолари ўзларининг лавозим мажбуриятларини ҳалол, шунингдек Жамият манфаатлари йўлида улар энг яхши деб ҳисоблайдиган усул билан амалга оширишга мажбурдирлар.

7.9. Кузатув кенгаси аъзолари қўйидаги фидуциар мажбуриятларни бажаришлари лозим: жонкуярликни намоён қилиш мажбурияти — Кузатув кенгаси аъзосидан вижданан ва жонкуярлик асосида ҳаракат қилиш;

содикликни намоён қилиш ва манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик мажбурияти — Кузатув кенгаси аъзоларидан, биринчи навбатда, корхона манфаатларидан келиб чиқиб ҳаракат қилиш;

лозим даражада кўздан кечиришиликни намоён қилиш мажбурияти — Кузатув кенгаси аъзоларидан корхонага нисбатан қарор қабул қилишда эҳтиёткорлик билан ёндашиш;

мустақил мулоҳазадан фойдаланиш мажбурияти — Кузатув кенгаси аъзосидан қарорларни мустақил, шахсий ва бошқа манфаатларни инобатта олмаган холда қабул қилиш.

VIII. Кузатув кенгаси аъзоларининг жавобгарлиги

8.1. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари ўз хукукларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда Жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозим.

8.2. Агар бир нечта шахс жавобгар бўлса, уларнинг Жамият олдидаги жавобгарлиги солидар жавобгарлик бўлади.

8.3. Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Жамият Кузатув кенгаши аъзолари жавобгар бўлмайди.

8.4. Жамият ёки у жойлаштирган акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) Жамиятга етказилган заарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоси устидан судга мурожаат қилишга ҳакли.

8.5. Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзоси қўйидагилар натижасида Жамиятга етказилган зарар учун жавобгар бўлади:

чалғитувчи ахборот ёки била туриб ёлғон ахборот тақдим этганлик;

конунчиликда белгиланган ахборот тақдим этиши тартибини бузганлик;

Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган йирик битимларни ва (ёки) амалга оширилишидан манфаатдорлик мавжуд бўлган битимларни тузишни таклиф этганлик, шу жумладан Жамият билан бундай битимлар тузилиши натижасида ўzlари ёки ўз аффилланган шахслари томонидан фойда (даромад) олиш мақсадида битимлар тузишни таклиф этганлик.

IX. Кузатув кенгашининг қўмиталари

9.1. Энг муҳим масалаларни кўриб чиқиш ва Жамиятнинг Кузатув кенгашига тавсиялар тайёрлаш учун Кузатув кенгаши аъзолари орасидан қўмиталар ташкил этилади.

9.2. Жамиятда Кузатув кенгаши карори билан қўйидаги қўмиталар ташкил этилади:

Стратегия ва инвестициялар қўмитаси;

Аудит қўмитаси;

Тайинловлар ва ҳақ тўлаш қўмитаси;

Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси;

9.3. Барча қўмиталарнинг фаолияти қўмита таркиби, ваколатлари, иш тартиби ҳамда аъзоларининг хукуқ ва мажбуриятлари каби қоидаларни ўз ичига олган ички хужжатлар билан тартибга солинади.

9.4. Қўмиталар таркиби Кузатув кенгаши аъзоларидан иборат бўлади. Зарур ҳолларда қўмиталар ишига Жамият ижро органлари аъзолари, Жамият ходимлари ва ташки экспертлар жалб этилиши мумкин.

9.5. Жамият кузатув кенгашининг Стратегия ва инвестициялар қўмитаси раиси унинг мустакил аъзолари орасидан тайинланади ва мазкур қўмитага корхонанинг трансформация ва хусусийлаштириш жараёнларини доимий бошқариш вазифалари юклатилади.

9.6. Қўмиталар аъзолари Жамият Кузатув кенгаши раисининг тавсияси асосида Кузатув кенгаши аъзоларидан уларнинг ваколат муддати даврига кўпчилик овоз билан сайланади. Кузатув кенгаши қўмита аъзолари орасидан қўмита раисини тайинлайди.

9.7. Қўмита мажлисида унинг аъзоларининг камида 2/3 қисми иштирок килса, мажлис ваколатли ҳисобланади, бунда қўмита раиси иштирок этиши шарт. Мажлисда қарорлар оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Ҳар бир қўмита аъзоси бир овогза эга.

9.8. Қўмитанинг карори мажлис баённомаси билан расмийлаштирилади. Ушбу баённома қўмита котиби томонидан юритилади ва у овоз беришда қатнашган аъзолари томонидан имзоланади.

X. Якунловчи қоидалар

10.1. Мазкур Низом Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган санадан эътиборан кучга киради.

10.2. Ушбу Низом, шунингдек, унга киритиладиган ўзгартариш ва қўшимчалар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади. Низомга ўзгартариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифлар Жамият акциядорлари ва Жамият Кузатув кенгаши аъзолари томонидан киритилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси конунчилигининг ўзгариши натижасида, ушбу Низомнинг айрим бандлари унга зид бўлиб ёки ҳақиқий бўлмай қолса, Низомга ўзгартариш киритилгунга кадар Жамият Кузатув кенгаши аъзолари Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик хужжатларига мувофиқ иш юритадилар.

Жамият директори



Б.Г.Рустамов

1-илова

“MIROBOD DEHQON BOZORI” АЖ га

“MIROBOD DEHQON BOZORI” АЖ

Кузатув кенгаши аъзоси

томунидан

ХАБАРНОМА

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукукларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ти Конуанинг 85-моддаси ҳамда Қимматли қоғозлар бозорида ахборот тақдим этиш ва эълон қилиш Қоидалари (Адлия вазирлигига 2383-сон билан 31.07.2012 йилда рўйхатга олинган) га мувофиқ шу ҳақда хабардор қиласманки, мен “Mirobod dehqon bozori” АЖга нисбатан аффилланган шахс ҳисобланаман.

Аффилланган шахс тўғрисида маълумотлар:

Фамилияси, исми, отасининг исми	
Асосий иш жойи, лавозими	
Яшаш жойи, шунингдек мавжуд бўлганда электрон почта манзили	
Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР)	
Солик тўловчининг идентификацион рақами (СТИР)	
Кузатув кенгаши таркибига сайланган сана ва карор рақами	
Акциядорлик жамиятининг Кузатув кенгаши аъзосига тегишли овоз берувчи акцияларининг сони, тури ва фоизи	
Бошқа ташкилотлардаги иш жойи ва лавозими	
Шахсини тасдиқловчи хужжатнинг нусхаси	
Шахсий жамгариб бориладиган пенсия ҳисобварафидан нусха	

Ф.И.Ш., имзо: _____

Сана: _____